
БЎЗАТОВЛИК ГУЛСАНАМНИНГ ЮРАГИДАГИ НУҚСОНИ ФАРҒОНАДА АМАЛИЁТ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Шу йил 15 июль куни Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида бўлишганида Қорасув маҳалласида тиббий кўрик ташкил этилиб, бемор фуқаролар саломатлигини тиклаши учун Фарғона вилояти тиббиёт муассасаларига йўлланмага тавсия этилган эди.

Бўзатов туманида яшовчи, 2008 йилда туғилган Гулсанам Жакселекова Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига даволаниш учун ташриф буюрди.

- Бемор Г.Жакселекова текширувлардан ўтиб, шифохонанинг кардиохирургия бўлимига туғма юрак нуқсонини оператив йўл билан бартараф қилиш учун ётқизилди, - дейди бўлим врач-кардиологи Аъзамжон Андапўлатов. - Беморга сунъий қон айланиш ва АОРТА окклюзияси шароитида қоринчалараро тўсиқ дефекти пластикаси ва уч табақали клапан пластикаси операцияси муваффақиятли ўтказилди.

Ҳозирда Гулсанамнинг аҳволи қониқарли ва соғлом. Эртага реанимация бўлиmidан кардиохирургия бўлимига олиб ўтилади ва даво муолажалари ўша ерда давом эттирилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-20 10:15:10